

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ**  
**ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ НУКУС ФИЛИАЛИ**

**СИТМУРАТОВ ШУХРАТ ТЕНГЕЛОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ**  
**БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ ВА ЭКЗОГЕН ЎСИШ МОДЕЛЛАРИ**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч-2021**

УДК: 330.14:330.115:31:37(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of Philosophy (PhD)  
in economic sciences**

**Ситмуратов Шухрат Тенгелович**

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор  
ривожланиши ва экзоген ўсиш моделлари.....3

**Ситмуратов Шухрат Тенгелович**

Моделли экзогенного роста и стабильного развития экономики  
Республики Каракалпакистан.....27

**Sitmuratov Shukhrat Tengelovich**

Sustainable development of the economy of the republic of Karakalpakstan  
and exogen growth models.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....55

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ PhD. 03/28.08.2020.1.55.03 РАҚАМЛИ**  
**ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ НУКУС ФИЛИАЛИ**

**СИТМУРАТОВ ШУХРАТ ТЕНГЕЛОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ**  
**БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ ВА ЭКЗОГЕН ЎСИШ МОДЕЛЛАРИ**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч-2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/1q703 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (реюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.urdu.uz](http://www.urdu.uz)) ва «Ziyou» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шодиев Турсун Шодиевич**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий раънаометлар:**

**Бахтияр Рузметов**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Исаков Жанабай Яқуббаевич**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:**


**Қарши давлат университети**


Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети хузурида PhD, 03/28.08.2020.1.55.03 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «9» октябр куни соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99862) 224-67-00; e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz).


Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишмиш мумкин (2021 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99862) 224-67-00; e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "23" сентябрда тарқатилди.  
(2021 йил "23" сентябрда диги 15 рақамли реестр баённомаси).



  
И.С. Абдуллаев,  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, иктисодиёт фанлари доктори,  
профессор

  
Ш.Б. Рузметов,  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, иктисодиёт фанлари номзоди,  
доцент

  
Б. Рузметов,  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошпадаги илмий семинар раиси, иктисодиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиёти кейинги йилларда ўртача йилига 2-2,4 фоиз атрофида иқтисодий ўсиш даражасига эришмоқда<sup>1</sup>. Жамият аъзоларининг фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш, инсонни ҳар томонлама ривожлантириш, меҳнат ва ижтимоий ҳаёт жараёнини инсонпарварлаштириш Бирлашган Миллатлар ташкилотининг 2030 йилгача барқарор ривожлантириш мақсадларидан ҳисобланади.

Жаҳонда юз бераётган пандемия шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш ва барқарорлаштириш, ривожланишнинг юқори сифатини мақсадли шакллантириш, ишлаб чиқариш омиллари ва капитал тузилмаларини модернизациялаш жараёнларини эконометрик моделлар ёрдамида тадқиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, шу асосда мамлакатда миллий иқтисодиётни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинган. Унга биноан шу даврда ялпи ички маҳсулот 2 баробарга ортади ва аҳоли жон бошига ЯИМ миқдори 3 баробарга ошиши прогноз қилинган. Унда белгиланган вазифаларни бажариш учун олимлар ва жамоатчилик эътибори марказида иқтисодиётни узоқ муддатли барқарор ривожланиш йўлига олиб чиқувчи иқтисодий фаолиятни интеллектуаллаштириш жараёнининг шартлари ва омилларини аниқлаш ҳамда таҳлил қилишнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш, рақамли ва инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш мотивациялари тизимини такомиллаштириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ-5621-сонли «Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4889-сонли «2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги ВМҚ-526 сонли «2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup>World Development Indicators, WDI, www.WDI of World Bank

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш”<sup>2</sup> устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Замонавий иқтисодий ривожланишнинг назария-методологик асосларини хорижлик олимлар Р.Солоу, М.Ромер Г.Н.Менкью, П.Дракер, Т.Сакайя, Ж.Филип, М.Жон ва бошқалар тадқиқ этганлар<sup>3</sup>.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида иқтисодий ўсишнинг назария-методологик асослари, иқтисодий ривожланиш тенденциясини моделлаштириш муаммоларини ўрганишда ва тадқиқ қилишда Л.И. Абалкин, В.А.Колемаев, А.Л.Гапоненко, Г.Ш.Абдуллаев, Д.С.Львов, Г.Б.Клейнер, В.В.Радаев ва бошқалар салмоқли ҳисса қўшганлар<sup>4</sup>.

Ўзбекистонда иқтисодий жараёнларни эконометрик таҳлил қилиш соҳасида С.С.Ғуломов, Т.Ш.Шодиев, Ё.Абдуллаев, Д.Қ.Аҳмедов, И.С.Абдуллаев, Н.М.Соатов, Б.Рузметов, Т.Досчанов, Б.А.Бегалов, С.А.Чепель ва бошқа олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган<sup>5</sup>.

Иқтисодий ривожланиш тенденциясини моделлаштириш муаммоларини, юқорида номлари келтирилган хорижий ва маҳаллий олимларимиз томонидан умумий ҳолда тадқиқ этилган. Бироқ, моделларнинг амалий жиҳатлари, хусусан, мамлакат ривожланишининг босқичларига мувофиқлик кўрсаткичларини ифодалаш

<sup>2</sup>2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. 1-илова.

<sup>3</sup>Solow R.M. A Contribution in theory of Economic Growth// Quarterly Journal of Economics. February 1956. P. 65-94. Romer P.M. The Origins of Endogenous Growth // The Journal of Economic Perspectives. 1994. - Volume 8, Issue 1 Winter. - P. 3-22. Mankiw N.G., Romer D., Weil D.N. A Contribution to the Empirics of Economic Growth // Quarterly Journal of Economics. 1992. - Vol. 107. - № 2. -P.407-438. Дракер П. Ф. Постэкономическое общество. М.Аcademia, 1999.-288 с. Сакайя Т. Стоимость, создаваемая знаниями, или История будущего// Новая индустриальная волна на Западе: Антология / под ред. В. Л. Инноземцева. -М.: Academia, 1999. С. 337-371. Jesus Felipe and John McCombie. The Illusions of calculating total factor productivity and testing growth models from Cobb - Douglas to Solow and Romer. ADB economics working paper series #.596. October 2019.

<sup>4</sup>Абалкин Л. И. Интенсификация и экономический рост // Плановое хозяйство. 1985. -№ 12.-С. 18-26. Колемаев В.А. Эконометрика. –М.: ИНФРА-М, 2016. – 160 с. Учебное пособие / Под общ. ред. А.Л. Гапоненко: Экономика, основанная на знаниях. –М.: Изд-во РАГС, 2006. Абдуллаев Г.Ш. Математическое моделирование развития малого бизнеса в регионах России. Кан.экон.наук.дисс.-М.:2004. -159 с.; Львов Д. С., Пугачев В. Ф. Механизм стабильного экономического роста // Экономическая наука современной России. 2001. - № 4. -С.52-58. Клейнер Г.Б. Новая институциональная экономика: на пути к «сверхновой» // Российский журнал менеджмента. 2006. - Т. 4. - № 1. - С. 113 - 122. Радаев В.В. Что такое рынок: экономико-социологический подход // Общественные науки и современность. 2007. - № 3. — С.115 - 127; - № 4. -С. 117-132.

<sup>5</sup>Макроиктисодий статистика. Академик С.С. Ғуломов тахрири остида. – Т.:2000; Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): Дис. ...докт. экон. наук. Ташкент: ТИНХ, 1988.-380 с. Абдуллаев Ё.А. Макроиктисодий статистика.–Т.:Мехнат, 1998.- б.; Аҳмедов Д.Қ, ва бошқалар. Макроиктисодиёт.–Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004 –146б.; И.С.Абдуллаев. Совершенствование механизмов оптимального регулирования региональной экономической системы: Автореферат докторской (DSc) диссертации. Ташкент, 2017. Соатов Н.М., Статистика. – Дарслик.Т.:Абу Али Ибн Сино, 2003. –660б.; Рузметов Б. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ: Автореф. дис. ... докт. экон. наук. Ташкент, 1998. - 40 с. Т. Досчанов Экономико-экологические основы производства и применения продукции химической промышленности в АПК: Дис. ... докт. экон. наук. Ташкент: ИЭ АН РУз, 1990. Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш. и.ф.д. илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертация иши.-ТДИУ, 2001.-330; Чепель С.В. Проблемы макроэкономического регулирования и прогнозирования в условиях перехода к рынку. Диссертация на соиск. учен.степ. доктора экон. наук.-Ташкент: 1996.-271 с.

ва баҳолаш ҳамда моделларнинг прогноз сифатлари республикамиз иқтисодиётига нисбатан кам ўрганилганлиги, мазкур диссертация мавзусини танлаш, тадқиқот мақсад ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация иши Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, “Орол бўйи экологик шароитида қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори, сифатли ҳосилдорликни етиштириш бўйича интенсив агротехнологияларни ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига янги техника ва технологияларни тадбиқ этиш” мавзуидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиш ва ўсиш суръатларини экзоген эконометрик моделлар асосида таҳлил қилиш ҳамда такомиллаштиришга йўналтирилган назарий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

- барқарор ривожланиш ва экзоген ўсиш моделларини тавсифлаш ва уларни мазмун-моҳиятини очиқ бериш;
- иқтисодиётни глобал инқироз ва пандемиянинг салбий оқибатларини бартараф этиш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инновацияларнинг таъсирини баҳолаш;
- бизнес субъектлари ва корхоналарнинг рақамли иқтисодиётга трансформацияланиш жараёнини моделлаштириш ва тармоқларнинг мутаносиблигини тадқиқ этиш;
- иқтисодий барқарор ривожланишнинг оптимал мезонлари ва манбалари ҳамда омилларининг ялпи самарадорлигини аниқлаш;
- иқтисодий ривожланиш омиллари ва даражасини экзоген эконометрик моделлар ёрдамида таҳлил этиш ва прогнозлаш;
- иқтисодий ўсишнинг тизимли эконометрик моделлари ёрдамида Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор мутаносиб ривожланиш вариантларини прогнозлаш;
- Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг муҳим омиллари ва устувор йўналишларини тадқиқ этиш, тузилган экзоген эконометрик моделлар ёрдамида 2029 йилларгача ривожланиш прогнозларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиш ва экзоген ўсиш моделлари, уларни жорий этиш механизмлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, иқтисодий ривожланиш, ўсиш суръатлари ҳамда пропорциялари ва уларнинг иқтисодий ривожланиш манбалари, тенденциялари, қонуниятлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда дидактив ёндашув, тизимли таҳлил, статистик кузатув, мантикий мушоҳода, корреляцион, регрессион, график таҳлил ва эконометрик моделлаштириш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

- макроиқтисодий индикаторларни электрон тарзда таҳлил қилишнинг ретроспектив давр ва ҳозирги ҳолатини ифодалайдиган рекурсив ва экзоген кўп омилли эконометрик моделлари ишлаб чиқилган;

- макроиқтисодий экзоген моделлар асосида иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестиция ва инновацияларнинг ковариацион боғлиқликларни аниқлаш асосида рақобатбардошликни ошириш имкониятларини аниқлаш услубияти такомиллаштирилган;

- Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибини тармоқлар ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини барқарор ривожланишини моделлаштиришнинг логистик ишлаб чиқариш функциялари таклиф этилган;

- Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг экзоген омилларни, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришни эътиборга олган ҳолда 2021-2029 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси барқарор ривожланиш омилларини комплекс таҳлил қилиш, иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларни тизимлаштириш, нисбий ва мутлоқ таъсирини, омилларнинг умумий самарадорлигини аниқлаш усуллари таклиф этилган;

Минтақа иқтисодиётидаги саноат (қурилиш билан биргаликда), қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларининг мутаносиблик даражаси ва унинг барқарор иқтисодий ўсишга таъсири аниқланган, истиқболда таркибий трансформацияланиш жараёни кўрсатиб берилган;

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш имкониятларини аниқлаш, капитал, меҳнат ва табиий ресурслардан фойдаланиш даражасини миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил этиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, барча омиллар самарадорлигини (Total Factor Productivity) ҳисоблаш, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибини оптималлаштириш каби ишланмалар яратилган;

Экзоген ва замонавий эконометрик моделлар асосида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган саноат сиёсатини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, унинг импортга қарамлигини камайтиришнинг стратегик йўналишлари мужассамлашган Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий барқарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим омиллари ва устувор йўналишларининг белгиловчи 2029 йилгача мўлжалланган сценарийлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги,



ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг амалий фаолиятида фойдаланилганлиги, тегишли хулосалар минтақани мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, минтақа иқтисодиётининг хусусиятлари, имкониятлари ва инновацион ривожланиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган ўсиш суръатларини таҳлил этиш, синтезлаш ва прогнозлаш ишланмалари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсиялардан республикада иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлайдиган иқтисодий ислохотлар ва чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича мақсадли давлат, тармоқ ҳудудий дастурларни ва истиқболли прогнозларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертациянинг илмий янгиликлари, ишланмалари ҳамда натижалари асосида:

Макроиқтисодий индикаторларни электрон тарзда таҳлил қилиш, синтезлаш ва прогнозлаш усул ва илмий ёндашувлари Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг экологик ҳолатини, ўзига хос хусусиятларини, ретроспектив давр ва ҳозирги ҳолатини ифодалайдиган рекурсив ва экзоген кўп омилли эконометрик моделлари Қорақалпоғистон Республикасини 2019-2021 йилларга мўлжалланган ижтимоий иқтисодий ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқишда қўлланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 1 июндаги 06/636а-сонли маълумотномаси). Натижада иқтисодиётда бошқаришнинг бозор механизмларини жорий этиш ва унинг реал сектори ҳолати, ички ва ташқи бозорлари конъюктураси ҳамда минтақавий ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ ҳолда минтақавий иқтисодиётни 2025 ва 2030 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегиясини шакллантиришга хизмат қилган ва узоқ муддатли сценарийлар табиий, ишчи, молиявий ресурсларни самарали тақсимлашни ҳамда уларни ўртача 10-13 фоизга тежашни таъминлаган.

макроиқтисодий экзоген моделлар асосида иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестиция ва инновацияларнинг ковариацион боғлиқликларни аниқлаш асосида рақобатбардошликни ошириш имкониятларини аниқлаш услубияти “инвестицион фаолиятни ва юқори технологияли иқтисодиётни ривожлантириш бўлими” томонидан макроиқтисодий прогнозларни шакллантириш жараёнида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 1 июндаги 06/636а-сонли маълумотномаси). Натижада минтақа иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш резервларини топиш, капитал, меҳнат ва табиий ресурслардан фойдаланиш даражасининг ҳолатини миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил этиш, хориж инвестицияларини жалб қилиш, барча омилларнинг самарадорлигини (Total Factor Productivity) аниқлаш, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибини оптималлаштириш каби ишланмалар яратилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибини тармоқлар ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари асосида мутаносиб, барқарор ривожланишини моделлаштириш мақсадида динамик, логистик ишлаб чиқариш функциялари “инвестицион фаолиятни ва юқори технологияли иқтисодиётни ривожлантириш бўлими” томонидан макроиқтисодий прогнозларни шакллантириш жараёнида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 1 июндаги 06/636а-сонли маълумотномаси). Натижада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва минтақани комплекс ривожлантириш учун инвестицияларни жалб қилиш соҳалари аниқланган, фаол инвестиция сиёсати юритишга имкон яратилган.

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг экзоген омилларни, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришни эътиборга олган ҳолда мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари “инвестицион фаолиятни ва юқори технологияли иқтисодиётни ривожлантириш бўлими” томонидан макроиқтисодий прогнозларни шакллантириш жараёнида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 1 июндаги 06/636а-сонли маълумотномаси). Натижада, 2019 йилда минтақада экспорт ҳажми 13,5 фоизга ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация ишининг асосий мазмуни бўйича, жами 24 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, 2 та нуфузли хорижий импакт факторли, 4 та республика илмий журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 143 бетдан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларни амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишининг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида, иқтисодий ўсиш тўғрисидаги турли илмий қарашлар умумлаштирилган, иқтисодий ўсиш турларини тавсифлаш ва унга таъсир этувчи омилларнинг бу жараёнга таъсири ўзгариб бораётган шароитларни ҳисобга олган ҳолда, таҳлил қилинган, иқтисодиётни

модернизациялаш шароитида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда интеллектуал салоҳиятнинг иштирокини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилган.

Иқтисодий ривожланишнинг юқори сифатини мақсадли шакллантириш замонавий иқтисодиёт фани томонидан ўрганилаётган мураккаб вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун зарур барча ишлаб чиқариш омиллари, капитал тузилмасини модернизациялаш, ижтимоий муносабатлар тизими ва иқтисодий агентларнинг ҳаракат моделларини жиддий ислоҳ қилиш, жамият ижтимоий-иқтисодий ва институционал тараққиётини ҳамда ҳаёт сифатини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Таҳлилларимизга кўра, замонавий иқтисодий ривожланиш ўз табиатига кўра хусусиятлари тез ўзгарадиган динамик жараён ҳисобланади, бу тўпланган билимлардан унинг янги сифатини таҳлил қилиш ва иқтисодиётнинг ҳаракатланиш траекториясини прогнозлаш учун фойдаланишни сезиларли даражада мураккаблаштиради.

Иқтисодиётни интеллектуаллаштириш шароитида замонавий иқтисодий ривожланиш назарияларини ўрганиш даражаси етарлича эмас, бу унинг сифат ҳолатлари трансформацияларини, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва унинг замонавий хусусиятларини белгиловчи ва уни яхшилаш дастурларини ишлаб чиқишни таъминловчи институтларни кўшимча таҳлил қилиш заруратини белгилайди.

Жумладан, инвестиция лойиҳаларини танлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш мақсадида марказлашган инвестицияларни бошқаришни баҳолаш (РІМА) тизимини жорий этиш, ижтимоий соҳа тармоқлари, йўл-транспорт инфратузилмаси ва бошқа тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини танлаш меъёрлари ва муҳимлигини белгилаш тартибини ўрнатиш, марказлашган инвестициялар ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ва таклиф этиладиган лойиҳалар маълумотларининг ҳар йили янгиланадиган ягона базасини яратиш кўзда тутилган.

Иқтисодий ўсиш муаммосига ҳозирги замон ёндашувлари янгича иқтисодий тафаккурга асосланган бўлсада, лекин мавжуд адабиётларда бу тушунчанинг мазмунига берилган бир хил таърифни учратиш қийин. Жумладан, М.А.Сажина ва Г.Г.Чибриковлар “Иқтисодий ўсиш - бу миллий хўжаликнинг кишилар эҳтиёжини қондирувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш лаёқатининг ортиши” деб, М.В.Сафранчук эса иқтисодий ўсишга кўрилаётган вақт оралиғида содир бўлаётган реал ЯИМ (ёки ЯММ) ҳажмининг нисбий ўзгариши деб таъриф беради<sup>6</sup>.

---

<sup>6</sup>Курс экономической теории. Учебник. 4-е дополненное и переработанное издание Киров: АСА,2001. С.558.



**1-расм. Иқтисодий ўсишнинг икки тури<sup>7</sup>**

Иқтисодий ўсиш муаммосига юқорида баён қилинган барча ёндашувларни умумлаштириб айтиш мумкинки, мазкур тушунчанинг тўлиқ тавсифини бериш учун, фикримизча, иқтисодиёт назариясининг умумий услублари тақозо этадиган бир қатор ҳолатларни ҳисобга олиш лозим.

Биринчидан, иқтисодий ўсиш муаммоси иқтисодиёт назариясининг кўплаб муҳим тушунчалари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, уни таърифлашда тизимли ёндашув фарқланиб туриши зарур.

Иккинчидан, иқтисодий ўсиш моҳиятини аниқлаш илмий абстракция талаблари билан мос келиши зарур. Чунки бу ерда, умумий ва хусусий муаммолар вазиятидан келиб чиқадиган иқтисодий ўсишнинг туркумланиши билан боғлиқ айрим мураккабликлар пайдо бўлади. Шу сабабли, иқтисодий ўсишни тадқиқ қилишда, аниқ теранликка эга алоҳида абстракцияли ёндашув тақозо қилинади (2-расм).

Илмий-технологик ривожланиш зарурияти барча ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар мажмуини иқтисодий ўсиш омилларини бирлаштириш, фан, ишлаб чиқариш, техника ва таълимни самарали ишлаши ва ривожланишини таъминлаш, янги буюмлар, моллар ва технологияларда фундаментал ва амалий изланишлар натижаларини мужассамлаштиришни кўзда тутди.

Иқтисодий адабиётларда илмий-технологик ва инновацион ривожланиш функциясининг уч тури қабул қилинган: технология, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий.

Технологик функция ишлаб чиқариш моддий асосини сифатли ўзгартиришни таъминлайди.

Ижтимоий-иқтисодий функция ишлаб чиқаришнинг экстенсив туридан интенсив турига ўсишни таъминлаган ҳолда ишлаб чиқарувчи кучларни такомиллаштириш, меҳнат ишлаб чиқарувчанлигини ошириш, самарали инвестиция сиёсатини такомиллаштириш имконига эга.

<sup>7</sup>Носова С.С. Экономическая теория, 2008



2-расм. Иқтисодий ўсиш моделларининг турлари<sup>8</sup>

Илмий-технологик ва инновацион ривожланиш мураккаб ташкилий иқтисодий жараён сифатида илмий-техникавий билимларни амалда қўллашни таъминловчи, фундаментал ва амалий изланишлар, лойиҳавий ва конструктор ишлари соҳасидаги илмий изланишлар умумий тизимини давом эттирувчи ҳисобланади. Бу ўз навбатида илмий-техникавий потенциалдан фойдаланиш ва уни шакллантириш белги ва кўрсаткичларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Олимларнинг инновацион ривожланишнинг янги сифат босқичини шакллантириш жараёнини ўрганишга услубий ёндашувлари, инновацион, стратегик ва тизимли эконометрик моделлар асосида иқтисодиётни бошқарувга ўтишни назарий ҳамда амалий асослаши алоҳида илмий қизиқиш уйғотади. Бундай жиддий илмий-амалий материални ўрганиш тадқиқот мавзусининг илмий адабиётда етарлича ўз ифодасини топмаган жиҳатларини аниқлаш имконини берди.

Билимлар иқтисодиёти ёки бошқача қилиб айтганда, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиш даражаси, статистик кўрсаткичлари ва омиллари, сифатли ва миқдорий таҳлил услубларини бирлаштириш орқали таҳлил этиш, эконометрик прогнозлаш етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Фан-техника тараққиёти меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Техника тараққиёти ўз ичига нафақат ишлаб чиқаришнинг бутунлай янги усулларини, балки бошқариш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги шакллари ҳам олади. Амалиётда техника тараққиёти ва

<sup>8</sup>Муаллиф ишланмаси

капитал қўйилмалар (инвестициялар) мустаҳкам ўзаро боғлиқ, техника тараққиёти кўпинча янги машина ва ускуналарга инвестициялар қўйилишига олиб келади.


Республика олдида техника тараққиёти соҳасидаги асосий вазифа, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни қўллаш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқаришнинг янги усуллари ва шакллари жорий қилишда экзоген ўсиш моделларини қўллаш ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодий ривожланишнинг потенциали ва инновацион даражасини ошириш концепцияси»** деб номланган иккинчи бобида рақамли иқтисодиётга трансформацияланиш жараёнини моделлаштириш ва тармоқларнинг мутаносиблиги, барқарор иқтисодий ривожланишнинг оптимал мезонлари ва манбалари, ривожланишнинг омиллари ва даражасини экзоген эконометрик моделлар орқали таҳлил этиш ва прогнозлаш усуллари тадқиқ этилган.

Президентимизнинг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси парламентиغا мурожаатномаси мамлакатимизни 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишларини амалга ошириш Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажаришда, барқарор иқтисодий ривожланиш, халқ фаровонлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Мурожаатнома мамлакатимизнинг нафақат жорий йилда балки истиқболда барқарор ривожлантириш, тизимли стратегик режалаштириш дастури десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз. Республикамызда 2017 йилда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш шароитида мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, инновацияларни кенг жорий этиш ва шулар асосида ресурслардан оқилона фойдаланиш рақамли иқтисодиётни шакллантириш омилларидандир. Чунки бошқарувда рақамли технологияларни кенг қўллаш, мамлакатимизда электрон ҳукумат тизимини жорий этиш муаммоси ижтимоий ривожланишнинг кўп вариантлиги ва муқобиллигини эътироф этишга асосланган.

Иқтисодий ривожланиш суръатлари таҳлил қилинганда, унинг мезонларига ва энг аввало сифат кўрсаткичларига кўпроқ эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай ўсишлар иқтисодиётимизда юз бераётган таркибий ўзгаришлар, унинг изчил ва барқарор ривожини учун хизмат қилиши, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, бир сўз билан айтганда, амалий ҳаётимизни яхшилашга олиб келиши лозим. Шундай экан, иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ҳудудий маҳсулот миқдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс ҳаражатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади.

Диссертацияда минтақа экзоген ўсиш моделлари таҳлил қилинган. Миллий иқтисодиётнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти ( $Y$ ) асосан иккита омилга, капитал ( $K$ ) ва ишчи кучига ( $L$ ) ҳамда бошқа омилларга  $A$  (автоном техник прогресс) боғлиқ.  $Y = Af(K, L)$ . Жон бошига тўғри келадиган ЯХМга таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун юқоридаги функцияни ишчилар сонига бўламиз  $\frac{Y}{L} = Af\left(\frac{K}{L}\right)$ , ва унда меҳнат унумдорлиги автоном омилларга ҳамда ишчиларнинг асосий фондлар билан таъминланиш даражасига боғлиқ (3-расм).



**3-расм. Мехнат унумдорлиги билан фонд сифим орасидаги функционал боғлиқлик<sup>9</sup>**

Солоу модели асосида ишчилар малакаси ошишининг иқтисодий ўсишга таъсирини аниқлаш мумкин. Бунинг учун дастлабки ишлаб чиқариш функциясига айрим ўзгартиришлар киритамиз, яъни тенгликнинг икки томонини  $L$  (меҳнат ресурслари)га бўламиз.

Дисертацияда Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланишини экзоген ўсиш моделларини тузишда иқтисодий ўсишнинг қўйидаги тизимли эконометрик моделлари ўрганилди.

Ишлаб чиқариш функциялари

$$Y_t = \gamma_0 K_t^{\gamma_1} L_t^{\gamma_2} \ell^{t-1} \quad (1)$$

Капиталнинг инвестицияларга боғлиқлиги

$$K_t = K_0 + \gamma_1 K_{t-1} + \gamma_2 \Delta K_t \quad (2)$$

Ишлаб чиқариш фондларининг ортиши, жамғармаларга боғлиқлиги

$$\Delta K = \xi_0 + \xi_1 T_{t-1} + \xi_2 T_{t-2} + \xi_3 T_{t-3} \quad (3)$$

Аҳоли сонининг кўпайиши

$$N_t = \lambda_0 + \lambda_1 N_{t-1} + \lambda_2 \Delta N_t \quad (4)$$

Ишчи ва хизматчилар сонининг аҳоли сонига боғлиқлиги

$$L_t = \mu_0 + \mu_1 L_{t-1} + \mu_2 \Delta N_t \quad (5)$$

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг тармоқлари таркибини прогнозлаш модели

$$Y_t = \tau_0 + \tau_1 K_t + \tau_2 L_t + \tau_3 Q_t \quad (6)$$

Саноатнинг экзоген ўсиш модели

$$S_t = \beta_0 + \beta_1 K_t + \beta_2 L_t$$

Қишлоқ хўжалигининг экзоген ўсиш модели

<sup>9</sup>A Contribution to the Theory of Economic Growth Robert M. Solow The Quarterly Journal of Economics, Vol. 70, No. 1. (Feb., 1956), pp. 65-94.

$$A_t = \delta_0 + \delta_1 K_t + \delta_2 L_t + \delta_3 Q_t$$

Хизматлар соҳасининг экзоген ўсиш модели

$$R_t = D_0 + D_1 K_t + D_2 L_t$$

Моделларда: K - капитал L - ишчи кучи Q - ер ресурслари

Иқтисодий тизим ривожланишининг “таъсир-омили” ва “натижа-омили” сифатида кўрилган вазиятларда тадқиқотларнинг тизимли характери таъминлаш имконини берувчи иқтисодий тизимларда структуравий ўзгаришларни математик моделлаштириш методологияси ишлаб чиқилган.

Мазкур концепция доирасида иқтисодий тизимлар нозичлиги, детерминацияланмаган ва номувозанатли ҳосилалар сифатида кўрилади, уларга нотекислик ва стохастикалик ҳодисалари хос бўлади. Уларда бундай хусусиятлар мавжуд бўлганлиги сабабли структуравий ўзгаришларни моделлаштиришга динамик тизимлар ва нозичлиги функциялар назариясига асосланган янги ёндашувлар таклиф қилинган.

Диссертациянинг «Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий ривожланишининг кўп омилли тизимли моделлари» деб номланган учинчи бобида иқтисодий ўсишнинг тизимли эконометрик моделлари ва барқарор мутаносиб ривожланишни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг эконометрик кўп омилли моделлари ва уларнинг аппроксимацияси, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёти учун иқтисодий ўсишнинг экзоген тизимли моделлари тузилиб, 2021-2029 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари ҳисобланган.

Диссертацияда пропорционаллик коэффициенти асосида баҳоланган тармоқ тузилишининг сифат параметрлари нафақат ривожланишнинг иқтисодий ва технологик омилларининг ўзаро мувофиқлиги характери акс эттириши, балки натижавий ва таркибий омиллар динамикасини тавсифловчи мураккаб иқтисодий кўрсаткич эканлиги аниқланди ва исботланди.

Пропорционаллик коэффициенти асосида тузилиш сифатини баҳолаш модели ва ЯХМ тузилиши ҳамда ўсиш суръатларининг ўзаро боғлиқлиги корреляцион модели реал иқтисодда аҳамиятли даражада фарқ қилувчи салмоққа эга бўлиб, натижавий кўрсаткичларга турлича таъсир кўрсатади. Пропорционаллик ўзгариши тамойили асосида турли иқтисодий тизимларни баҳолашнинг энг аниқ усули В.Ватник<sup>10</sup> томонидан таклиф қилинган.

Мазкур ёндашув муайян эталонга асосланган баҳолашни яратиш имконини беради, кейинчалик у тузилманинг ўзининг ўзгариши динамикасини тадқиқ қилишда фойдаланилиши мумкин. Шу йўсинда киритилган пропорционаллик коэффициенти қуйидаги кўринишга эга:

$$\text{Prop}[X, Y] = \frac{\overline{XY}^2}{\overline{X^2} \overline{Y^2}}, \quad \text{ёки} \quad \text{Prop}[X, Y] = \frac{\left(\sum_i X_i Y_i\right)^2}{\left(\sum_i X_i^2\right) \left(\sum_i Y_i^2\right)} \quad (7)$$

Ўзгарувчи миқдорларни ўзаро пропорционаллик даражаси қуйидаги асосий хусусиятларга эга:

<sup>10</sup> Ватник URL: <http://www.wikireality.ru/wiki>



- ўзгарувчилар ўлчамларидан катъий назар бу кўрсаткич ўлчамсиз миқдор бўлади;
- ҳар қандай  $a, b > 0$  учун  $\text{Prop}[aX, bY] = \text{Prop}[X, Y]$  тенглик бажарилади;
- пропорционаллик коэффициентининг мумкин бўлган қийматлари  $0 \leq \text{Prop}[X, Y] \leq 1$  чегарасида ётади.

Қорақалпоғистонда ҳам мамлакатимиз каби иқтисодиётда таркибий ислохотлар амалга оширилиши натижасида иқтисодиётнинг таркиби ўзгармоқда. Бу жараённинг динамикаси ва қонуниятини ўрганиш мақсадида статистик ва эконометрик усуллардан фойдаланилди.

Маълумки, иқтисодиётнинг тармоқлари орасида иқтисодий ривожланишда мутаносиблик бўлмоғи керак. Уни ўрганиш учун тармоқлар орасидаги ковариацион боғлиқликни таҳлил этиш ва прогноз қийматларини ҳисоблаш зарур. Пропорционаллик коэффициенти мазмунан баҳоланаётган тузилиш ва эталон тузилиш орасидаги яқинликнинг (сон билан ифодаланган) меъёрини ифодалайди. Улар тўлиқ мос келганда  $\text{Prop}[X, Y]=1$  тенглик бажарилади.

Пропорционаллик коэффициенти бутуннинг барча таркибий қисмларининг тенглигига йўналмаган бўлиб, сифат нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда эталон тузилишни белгилашга асосланган.

Ана шу тамойил асосида Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулоти таркиби таҳлил қилинди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

### Қорақалпоғистон Республикасининг 2010 ва 2019 йиллардаги ялпи ҳудудий маҳсулоти таркиби<sup>11</sup>

Кўрсаткичлар	2010 йил (жамига нисбатан фоизда)	2019 йил (жамига нисбатан фоизда)
Маҳсулотларга соф солиқлар	6,4	9,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	24,4	27,3
Саноат	9,6	31
Қурилиш	8,3	8,4
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	8,1	5,2
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	7,6	6
Бошқа хизмат тармоқлари	35,6	22,1

Таҳлилларга кўра, 2010-2019 йилларда республика иқтисодиёт тармоқларида ва ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида ўзгаришлар юз берган: маҳсулотларга соф солиқларнинг улуши 6,4 фоиздан 9,2 фоизга ошган, саноат ишлаб чиқариши тез суръатларда ривожланганлиги туфайли унинг улуши 9,6 фоиздан 31 фоизга етган. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши секин ўсган ва 2019 йили 27,3 фоизни ташкил этган.

Аниқлашимизча, Қорақалпоғистон Республикасида тармоқлар орасидаги пропорционаллик яхши таъминланмаган. Айниқса, саноат тармоғи билан ЯҲМ

<sup>11</sup>Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

орасидаги нисбат қишлоқ хўжалигига нисбатан паст бўлган, бошқача қилиб айтганда, иқтисодиёт аграр индустриал ривожланишда бўлган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Қорақалпоғистон Республикасининг ЯҲМ ва иқтисодиёт тармоқлари орасидаги пропорционаллик коэффициентлари ўтган давр оралиғида<sup>12</sup>

Кўрсаткичлар	ЯҲМ	Саноат	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
ЯҲМ	1		
Саноат	0.712456	1	
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	0.754783	0.567842	1

Истиқболда иқтисодий ўсиш омилларидан тўлиқ ва самарали фойдаланган ҳолда, ЯҲМнинг реал ҳажмини ошириш, илғор технология ва инновация омилидан оқилона фойдаланиш асосида иқтисодий ўсиш моделларининг юзага келтириш таклифи ишлаб чиқилди. Бундай моделларнинг баъзи турлари Клейнер<sup>13</sup> томонидан таклиф қилинган. Моделдаги Кобба-Дуглас функцияси даражали функция ҳисобланиб, уни логарифмлаб чизикли кўринишга келтирилди ва коэффициентлари ҳисобланди.

$$\ln Y = \ln \gamma + \alpha \ln K + \beta \ln L \quad (8)$$

$$\ln Y = -79.3 + 0,23 \ln K + 1,25 \ln L$$

$$Y = 3,7 * 10^{-35} K^{0,23} L^{1,25}$$

$\varepsilon_K = 0,23$  ва  $\varepsilon_L = 1,25$  эластиклик коэффициентлари

Тузилган моделга асосан, меҳнат 1 фоизга ошса, эластиклик коэффициенти 1,25га ошади, агар капитал 1 фоизга ошса, эластиклик коэффициенти 0,23га ошади, ҳисобга олинмайдиган омиллар эса деярли нолга тенг.

Шу даврга эркин ҳадсиз ҳисобланган ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлди:  $\ln Y = 0,905 \ln L + 0,219 \ln K$

Функцияни барча мезонлар бўйича текшириш ижобий натижа берди.

Ишлаб чиқаришда қатнашган ресурсларнинг (капитал ва меҳнат) маржинал самарадорлиги ҳисобланди:

$$\frac{\partial Y}{\partial L} = \frac{0,905 * 574}{1118} = 46464 \text{ сум/киши} \quad \frac{\partial Y}{\partial K} = \frac{0,219 * 696}{1118} = 0,1363 \text{ сум/сум}$$

Ишлаб чиқариш функциясидан омилларнинг ўзаро алмашинув маржинал чегарасини топамиз, яъни у маржинал самарадорликларнинг нисбатига тенг:

$$\frac{\partial Y}{\partial L} / \frac{\partial Y}{\partial K} = \frac{46464}{0,1363} = 340895$$

<sup>12</sup>Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

<sup>13</sup>Клейнер Г.Б. Новая институциональная экономика: на пути к «сверхновой» // Российский журнал менеджмента. 2006. - Т. 4. - № 1. - С. 113-122.

Изокванта чизигини топамиз, у капитални иш кучи билан маржинал чегарасини топишга хизмат қилади.

$$Y = L^{0,905}K^{0,219} \quad \text{яъни} \quad K = \left( \frac{Y}{L^{0,905}} \right)^{\frac{1}{0,219}} = \left( \frac{Y}{L^{0,905}} \right)^{4,57}$$

Омилларнинг умумий самарадорлиги (TFP)ни аниқлаймиз. У қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{Total Factor Productivity} = \overline{y - \beta\ell - \alpha k} \quad (9)$$

яъни  $10,9 - 0,905 * 2,77 - 0,219 * 21,3 = 10,9 - 2,507 - 4,665 = 3,728$  яъни  $\lambda = 3,728$ .

Демак, 2000-2020 йиллар, Қорақалпоғистон Республикасида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўртача ўсиш суръати 10,9 фоизни ташкил қилган, шундан 3,728 фоизи инновация, таркибий ўзгаришлар, ишчи кучи ва капиталдаги сифат ўзгаришларига тўғри келади. Демак, келажакда миллий иқтисодиётда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун аввало ишчи кучига ва ундан кейин капиталга инвестиция киритиш устувор вазифа ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси кичик бизнес корхоналари учун микроиқтисодий ишлаб чиқариш функциясини тузилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг тараққиётини жадаллаштириш учун улар ишлаб чиқаришга сарфланган инвестициялар миқдорини оптималлаштириш лозим. Бу каби моделлар рус олими А.И.Анчишкин<sup>14</sup>, француз олими Л.Столерю ва юртимиз олимларидан Т.Шодиев, Ю.Мухамедов<sup>15</sup> томонидан тадқиқ этилган. Ушбу тадқиқотлар асосида макро-ишлаб чиқариш функцияси тузилди:

$$Y_t = l^{\lambda t} K_t^{\mu} L_t^{1-\mu} \quad (10)$$

бунда  $\lambda$  - барча омилларнинг унумдорлиги ёки ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши фоизларда.

Бу функциядан ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва асосий фондларнинг маънавий эскиришидан йиллик ўсиши қуйидагича ҳисобланади:

$$\dot{K}(t) = J(t) - \left( \rho - \frac{\lambda}{1-\lambda} \right) K_t \quad (11)$$

бунда  $\rho$  - асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши.

Юқоридаги (10) тенгламада кичик бизнес корхоналарининг ялпи даромади, асосий ишлаб чиқариш фондлари ва меҳнат сарфларига боғлиқ ялпи даромад истеъмол ва жамғарма фондлари йиғиндисига тенг. Жамғарма фонди ўз навбатида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш жамғармасига ажралади:

$$Y(t) = C(t) + J(t) \quad (12)$$

бунда  $Y(t)$  - ялпи даромад,  $C(t)$  – истеъмол фонди,  $J(t)$  – жамғарма фонди ёки уларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

<sup>14</sup> Анчишкин А.И. Прогнозирование темпов и факторов экономического роста. –М.: МАКС Пресс, 2017. – 300 с.

<sup>15</sup> Шодиев Т.Ш., Т.Х.Хакимов, Л.Р.Болтаева, А.И.Ишназаров, А.Бойзоков, Ш.Нуруллаева, Ю.Қ.Мухамедов, М.А.Мўминова, О.А.Каримов “ЭКОНОМЕТРИКА” ТДИУ: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашириёти Тошкент – 2005.

$$Y(t) = C(t) + J^{np}(t) + J^h(t) \quad (13)$$

бунда  $J^{np}(t)$  ва  $J^h(t)$  - мос равишда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга ажратилган жамғармалар (млн. сўм).

Юқоридаги формуладан ишлаб чиқариш жамғарма нормасини топамиз.

$$S(t) = \frac{J^{np}(t)}{Y(t)} \quad (14)$$

ёки

$$J^{np}(t)S(t) = SY(t) \quad (15)$$

Кичик бизнес корхоналари тараққиётида ялпи даромаддан қанча қисми ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланиши катта аҳамиятга эга. Ялпи даромаддан асосий фондларни кенгайтириш учун сарфланадиган улуш бизнеснинг барқарор ривожланишига олиб келиши зарур (3-жадвал).

3-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида фонд билан таъминланиш ва меҳнат сарфи орасидаги боғланиш<sup>16</sup>**

Йиллар	Меҳнат ва асосий фондларнинг чегаравий самарадорлиги	Меҳнатга ҳақ тўлаш, (минг сўм/одам соат)	Оптималь фойда нормаси, коэффициент
2000	0,68 : 1,47 = 0,46	48700	0,35
2010	0,96 : 1,71 = 0,56	49500	0,32
2015	0,98 : 1,87 = 0,52	51200	0,29
2018	0,86 : 2,24 = 0,39	52300	0,27
2019	0,88 : 2,20 = 0,4	53000	0,26

Кичик бизнес корхоналари учун микроиқтисодий моделни яратиш учун минтақадаги аҳолининг бандлиги ва унинг ўсиш суръатини билиш керак. Бунинг учун қуйидаги тенгламани тузамиз:

$$L(t) = L_0 l^{nt} \quad (16)$$

бунда  $L(t)$  - аҳолининг саноат соҳасидаги кичик бизнес корхоналарида бандлиги (минг киши);  $L_0$  - дастлабки даврдаги бандлик (2000й.);  $n$  - аҳоли бандлигининг ўсиш суръати фоиз ҳисобида.

Маълумки, ишлаб чиқариш фондлари жисмоний ва маънавий эскириш хусусиятига эга. Ана шу хоссани инобатга олган ҳолда қуйидаги тенгламаларни ҳосил қиламиз:

- иқтисодиётда янги иш жойларини яратиш ва бизнес корхоналарида бандликнинг ошиши

$$L = L_0 l^{nt} \quad (17)$$

- тармоқлар ва бизнес корхоналари фаолиятини акс эттирувчи ишлаб

<sup>16</sup>Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

чиқариш функцияси

$$Y = l^\lambda K^\mu L^{1-\mu} \quad (18)$$

- асосий ишлаб чиқариш фондларининг мутлақ ортиши

$$\dot{K} = J^{np} - \pi K \quad (19)$$

- ялпи даромаднинг тақсимланиши

$$Y = C + J^{np} + J^n \quad (20)$$

- ишлаб чиқаришга ажратилган жамғарма

$$J^{np} = sY \quad (21)$$

бунда

$$\pi = \rho - \frac{\lambda}{1-\mu} \quad (22)$$

бунда  $1-\mu$  - асосий фондларнинг эластиклик коэффициенти;  $\pi$  - оптимал жамғариш нормаси фоиз ҳисобида.

